Султон Абу Саид Мирзо ибн Султон Мухаммад
(1424-1469)
(1451-69)

Темурийлардан бўлган Мовароуннахр (1451-69) ва Хуросон (1458-69) хукмдори. Мироншохнинг набираси. Шохрух ва Улугбек вафотидан сўнг Темурийлар давлатида бошланган тахт учун кураш чогида Улугбекнинг ўгли Абдулатиф томонидан Бухоро зиндонига ташланган. Абдулатифнинг ўлимидан сўнг (1450) озод килинган. Абу Саид Мовароуннахр тахтига ўтирган Мирзо Абдуллага карши Абулхайрхон ёрдамида кўшин тортган ва 1451-йил Булунгур жангида уни тор-мор келтириб, Самарканд тахтини эгаллаган. У миннатдорчилик сифатида Улугбек мирзонинг кизи Робия Султонбегимни Абулхайрхонга хотинликка берган. Сўнг Абу Саид Тошкентдан ўз пири Хожа Ахрорни чакиртириб олган. Хуросон хокими Абулкосим Бобур вафоти (1458)дан сўнг Хирот, Астробод, Мозандарон Абу Саид кўлига ўтиб, марказий хокимият тикланган. Бирок мамлакатнинг гарбий худудлари нотинч эди, хусусан Гарбий Эрон темурийлар тасарруфидан чикиб, кора кўюнлилар сулоласи кўлига ўтиб колганди. Абу Саид 1468-йил кузида уларга карши кўшин тортади, лекин 1469-йил кишида Мугон даштида ок кўюнлилардан Узун Хасан билан бўлган жангда енгилиб, халок бўлади. Абу Саид даврида Мовароуннахр ва Хуросонда хунармандчилик, савдо-сотик ривожланган, кўшни мамлакатлар билан элчилик муносабатлари яхши йўлга кўйилган. У Хиротда сарой, камончилар машкгохи, кўприклар, кўшклар, шахар дарвозалари курдирган, арик ва ховузлар казитиб, бог-роглар бунёд этган.